

Ғайбий эъжоз ёхуд 20 та ҳақиқат (17-20)



15:00 / 29.10.2020 2287

(бешинчи мақола)

17. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аҳли дўзахдан икки тоифасини кўрмадим: Бир қавмики, қўлларида сигирнинг думига ўхшаш қамчилари бору улар ила одамларни урурлар. Бир аёлларики, улар кийимли яланғочлар, йўлдан оздирувчилар, йўлдан озувчилар. Бошлари худди туянинг қийшайган ўрқачига ўхшайди. Улар жаннатга кирмаслар ва унинг ҳидини ҳам топмаслар. Албатта, унинг ҳиди бунча ва бунча масофадан келиб турур»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ушбу ҳадисни айтган пайтларида бирорта одам кишиларнинг шаҳватини қўзғаш учун барча чораларни ишга соладиган аёллар чиқишини тасаввур ҳам қилмаган. Лекин буни қарангки, бугун баъзи аёл либослари кўп бўлса ҳам, айнан тор, калта ва юпқасини олиб кияди. Юрганда танасига илиб олган кийими остидаги барча аъзолари билиниб, ҳатто баъзи қисмлари кўриниб ҳам туради. Дўконларда, бозорларда, чўмилиш ҳавзаларида ва бошқа одамлар гавжум бўладиган жойларда аёлнинг ярим-яланғоч, ўзи ҳам шаҳватга мойил бўлиб, бошқаларни ҳам йўлдан адаштиришга уриниб юриши жаннатнинг ҳидини ҳам топа олмаслигига сабаб бўлади. Қўлидаги қамчиси билан одамларни урадиганлар золим раҳбарлардир. Улар қўл остидаги ходимларини, ишчиларини ўша қамчилар билан уриб, турли азоблар бериб, қийнайдилар. Уларга зулм қиладилар. Бундай золимлик билан умр ўтказган кимсалар ҳам жаннатнинг ҳидини топа олмайди.

18. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг: **«Қиёмат олдидан рибо пайдо бўлади»**. (Табароний «ал-Мўъжамул авсат» 7695)

Бугунги кунда рибонинг турлари кўпайди. Кўплаб одамлар қилаётган ишлари рибо бўлса, «Ишим рибо экан, буни тўхтатай, Аллоҳ таолодан қўрқай, бошқа иш қилай» демасдан, ўша ишда давом этиптилар. Иқтисодда, савдода, пул билан боғлиқ олди-бердиларда рибо саналган ҳолатлар кўпайиб бормоқда.

19. Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Одамларга алдамчи йиллар келади. Унда ёлғончини тасдиқланади, ростгўй ёлғончига чиқарилади. Хиёнатчига омонат қўйилади, омонатдорни хиёнатда айбланади. У кунлари рувайбиза гапиради»**, – дедилар.

– Рувайбиза ким? – деб савол берилганида: **«Омманинг иши ҳақида гапирадиган пасткаш одам»**, – деб жавоб бердилар.

Имом Аҳмад, 7899

20. Абу Ҳурайра розияллоху анху:

«Одамларга бир замон келадикки, киши молни ҳалол ёки ҳаромдан олишига эътибор бермай қўяди».

Имом Бухорий 2083.

Бугун кўплаб одамлар топаётган пулининг ҳалол-ҳаромлигига эътибор бермаяпти. Пул топсам бўлди қабилада иш тутяпти. Бу пулларнинг қаердан топилгани, эртага буларнинг сўроғи борлигини ўйлаб кўрмаяпти. Баъзиларнинг дарди фақат пул топиш. Пулнинг ҳалол ёки ҳаромлигига эътибор камайгач, ейиладиган луқмаларга ҳам эътибор камайиб бормоқда. Еса, қорни тўйса бўлди. «Қаердан келди, қайси пулга келди, у пул ҳалолмиди ёки ҳароммиди, эртага бу еган овқатим мени ибодатга бўлган рағбатимнинг ошишига хизмат қиладими ёки гуноҳга мойиллигим ортишига сабаб бўладими? Ҳаром луқма емай, ахир ҳаром нарса еган кимса дўзахга равона бўлади-я». Жуда кам сонли кишилар бу каби саволларни ўзларига беряптилар.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

(Тамом)

[Тўртинчи мақола](#)

Абдуддоим Каҳел мақоласи асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади